TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI
WWW.TDAU.UZ
THE ROLE OF AGRICULTURE AND MEDICINE IN SCIENCE JOURNAL

CRATAEGUS TURKESTANICA POJARK. НИНГ ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Қўлдошева Лобар Тўлқин қизи[1]
Суюнова Лобар Отабек қизи[2]
Гайбуллайева Гулрух Нозилмуродзода[3]
Тошкент давлат аграр университети

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистонда Туркистон дўланасини кўпайтириш ва етиштиришнинг илмий асосланган усуллари бўйича натижалар келтирилган. Шу билан бирга Crataegus turkestanica нинг хом-ашёсини тайёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *Туркистон дўланаси, тарқалиш ареаллари, экиш, етиштириш, агротехник тадбирлар, хомашё, тиббиётда қўлланилиши.*

Аннотация. *В статье представлены результаты научных исследований по научно обоснованным методам размножения и возделывания боярышника туркестанского в Узбекистане. При этом даны сведения о заготовке и лечебном использовании сырья розмарина лекарственного и его химическом составе. Crataegus turkestanica завезен в Узбекистан и в природе не распространен.*

Ключевые слова: *боярышник туркестанский, ареалы распространения, посадка, выращивание, агротехнические мероприятия, сырье, использование в медицине.*

Abstract. *The article presents the results of scientific research on scientifically based methods of reproduction and cultivation of Crataegus turkestanica in Uzbekistan. At the same time, information is given on the preparation and therapeutic use of raw materials of the Crataegus turkestanica and its chemical composition.*

Key words: *Crataegus turkestanica, distribution areas, planting, cultivation, agrotechnical measures, raw materials, use in medicine.*

КИРИШ. Истиқболли доривор ўсимликларни турли тупроқ ва иқлим шароитида ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини илмий асослаш, мавсумий ривожланиш маромини тадқиқ қилиш орқали етиштиришнинг энг оптимал муддатларини белгилаш, экиш материалларини ва экиш масофасини ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш жадаллигига ва ҳосил унумига таъсирини ўрганиш ҳамда интродукцион баҳолаш, кенг масштабли плантацияларини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Жахонда кундан кунга аҳоли сонининг кескин ортиб бориши натижасида доривор ўсимликшунослик ва фармацевтика саноатида қимматбахо хўжалик ахамиятига эга, экспортбоп ўсимликларнинг флористик рўйхатини тузиш, танлаш ва хомашёсига бўлган эҳтиёжларни қондириш заруриятлари мавжудлигини кўрсатади. Шу боис, ўсимликларнинг турли тупроқ-иқлим шароитларидаги фитокимёвий таркибини чуқур таҳлил қилиш негизида импорт ўрнини босувчи сифатли хомашё олиш, юқори иқтисодий самарадор бўлган ўсимликлар турларини кўпайтириш ва етиштириш муҳим аҳамиятга эга.

ISSN: 3060-5032

Республикамизнинг турли тупроқ–иқлим шароитларида доривор ўсимликларни интродукция қилиш, иқлимлаштириш, кўпайтириш, етиштириш ва плантацияларини барпо этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Истиқболли доривор ўсимлик Туркистон дўланасининг дориворлик хусусиятлари, копайтириш ва етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқилмаган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситалари улушини 80% га етказиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Тошкент воҳаси тупроқ–иқлим шароитида Туркистон дщланасининг хомашёсини етиштириш йўлларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Мазкур йўналишда доривор ўсимликларнинг хомашёсини кўпайтириш ҳамда уларнинг саноат плантацияларини ташкил этиш, биологик фаол моддаларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича қиёсий таққослаш ва истиқболли навларини саралаш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда [1,2,3,4,5,6,7,8].

Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор табиати, ўзига хос флора ва фаунаси билан ажралиб туради. Бу ҳудудда кўплаб ноёб ва қимматли ўсимлик турлари учрайди. Шулардан бири — Туркистон дўланаси (Crataegus turkestanica) бўлиб, Марказий Осиё ҳудудига хос бўлган доривор ва манзарали ўсимлик ҳисобланади. Дўлана қадимдан халқ табобатида юрак-қон томир тизими учун фойдали хусусиятлари билан машҳур бўлган. Айниқса, Туркистон дўланаси экологик барқарорликда, табиат мувозанатини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада Туркистон дўланасининг биологик хусусиятлари, тарқалиш ҳудуди, аҳамияти ва инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берилади.

Ўсимликнинг таркалиши. Тошли ва майда гилли қияликларда, қоялар орасида, гипсли қумда ҳамда жийдазорларда, дарё қирғоқ ва ирмоқларида, тоғолча-олмали, ёнғоқли ва зарангли ўрмонларда, қолдиқ тоғларда ўсади. Туркистон дўланаси Қизилқумда, Тяньшанда, Помиролойда, Копеттоғда тарқалган.

Агротехник тадбирлар. Дўлана кўчатларини экишга ажратиб қўйилган ер кузда 25-30 см чуқурликда ҳайдалади. Бахорда текисланади ва молаланади. Қўлда ёки чуқурча кавлагичда 40х40 см ўлчамда ва 50 см чуқурликда кўчат ўтқазиладиган уячалар қазилади. Ана шу чуқурчанинг ҳар бирига бир челакдан фосфор аралаштирилган чири¬ган гўнг (1:5) солинади. Чуқурча тубидаги тупроққа ўғит аралаштирилади.

Экиш олдидан кўчатларга қуйидагича ишлов бери¬лади: зарарланган илдизлари олиб ташланади, барча илдизларнинг учлари қирқилади, тупроқ устидан буғланишни камайтириш учун поя узунлиги қисқартирилади, бу эса кўчатнинг яшовчанлигини ошириш ва ривожланиш имконини беради.

Экиб бўлгандан кейин “окучник”-чопиқ асбоби ёр¬дамида дўлана экилган уячалар яқинидан суғориш эгатлари олинади. Уячалардаги тупроқ намиқадиган даражада жилдиратиб суғорилади. Биринчи йили 9 мартагача суғорилади (апрел-июнь 1 тадан, июл-август 2 тадан, сентябрь-октябр 1).

Ҳар 2-3 суғоришдан кейин культивация қилинади, чуқурлардан ўсиб чиққан йирик бегона ўтлар қўлда юлиб ташланади. Бунда шуни ҳам назарда тутиш керакки, культиватор чуқур ботганида ёки қўл кучи билан чуқур чопилганида илдиз тармоғи зарарланиши мум¬кин.

Тавсия этилган агротехникага қатъий амал қилинганда 6-7 йилда ўсимлик мевага киради. Кўчатлар 8-10-йили ва ундан кейинги йилларда қийғос гуллайди ва мевага киради.

Дўлана ялпи ҳосилга кирганда гектар ҳисобига 15-20 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Дўлана меваларини териш одатда октябр ойининг охирларидан бошланиб, то бахоргача давом этади. Дўлана мевалари қуритгичларда 80-900С ҳароратда қуритилади. Уларни яхши шамоллатиладиган томларда юпқа қилиб ёйилган ҳолда ва тез - тез айлантириб турилган ҳолда ҳам қуритиш мумкин.

ISSN: 3060-5032

Фармацевтика саноатида дўлана меваларига бўлган талаб катта.

Хом - ашё кўрсаткичлари: намлик 15% дан ошмаслиги, умумий кул миқдори 4% дан кўп бўлмаслиги, дўлананинг бошқа қисмлари 2% дан ошмаслиги, қорайган, куйган, касалликка чалинган мевалари 3% дан кўп бўлмаслиги, мевасининг майдаланган бўлакчалари 3% дан ошмаслиги, етилмаган меваси 5% дан кўп бўлмаслиги зарур. Маҳсулот таркибида заҳарли ўсимликлар ва уларнинг қисмлари, моғор, ўткир ёқимсиз ҳид бўлмаслиги керак.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Дўлана препарати хафақон касалликларида, стенокардия, антигеоневроз, аритмия, тахикардия, атеросклероз ва климактерик неврозда қўлланилади.

Туркистон дўланасининг меваси таркибида 9,9%-углеводлар, 0,3% гача саҳарозалар, 4,0%-пектин, витамин С, ошловчи моддалар, катахинлар: эпикатехин, лейкоантоцианидлар ва бошқалар мавжуд.

Туркистон дуланасининг дориворлиги, яъни тиббий мақсадлар учун фойдаланилиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Дулана (ёки Дулана ўрмони) - ўсимликлар оиласига мансуб бўлиб, Туркистон ва унга яқин ҳудудларда ўсади. У асосан анъанавий тиббиётда кўплаб касалликларни даволашда ишлатилади.

Дулананинг доривор хусусиятлари қуйидагиларга боғлиқ:

Яллиғланишга қарши хусусиятлар: Дулана ўсимлиги кўп ҳолларда яллиғланиш, оғриқлар ва бошқалар учун ишлатилади. Ўсимлик таркибида антиоксидантлар ва яллиғланишга қарши моддаларнинг мавжудлиги унинг шифобахш хусусиятларини оширади. Иммун тизимини мустаҳкамлаш: Дулана, анъанавий равишда, организмнинг иммун тизимини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи восита сифатида қўлланилади.

Қон айланиш тизимига фойдали таъсирлар: Бу ўсимлик баъзи ҳолатларда қон айланиш тизимини яхшилашда, қон босимини тартибга солишда ёрдам бериши мумкин. Антибактериал ва антифунгал хусусиятлар: Дулана ўсимлиги баъзан бактериялар ва замбуруғлар билан курашишда қўлланилади.

Дулананинг доривор хусусиятлари анъанавий тиббиётда кенг қўлланилган бўлса-да, замонавий тиббиётда унинг таъсирчанлиги ва хавфсизлиги бўйича илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Шунинг учун, ундан фойдаланишдан олдин малакали шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Адабиётлар

1. Жумабоев Ғ.Ш., Махкамов Т.Х., Авазова М.А. Тошкент вохаси шароитида испан мингбошини етиштириш технологияси //Agro Inform. – 2022. – №. 4. – С. 30-35.

2. Жумабоев Г. Ш., Махкамов Т. Х. Инвазив усимлик-Испан мингбоши (Vaccaria hispanica (Mill.) Rauschert) ни маданийлаштириш истикболлари ва уруг унувчанлиги //ГулДУ ахборотномаси. – 2022. – Т. 1. – С. 17-23.

3. Меликўзиев А. А., Ергешев Д.А., Махкамов Т. Х. Инвазив ўсимлик Amorpha fruticosa L. нинг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 7. – С. 168-175.

4. Sotiboldieva D. I., Mahkamov T. X. Component composition of essential oils Curcuma longa L.(Zingiberaceae) introduced in Uzbekistan //American Journal of Plant Sciences. – 2020. – Т. 11. – №. 8. – С. 1247-1253.

5. Тўхтаев, Б. Ё., Маҳкамов, Т. Х., Тўлаганов, А. А., Маматкаримов, А. И., Маҳмудов, А. В., & Аллаяров, М. Ў. (2015). Доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияларини ташкил қилиш ва хом ашѐсини тайѐрлаш бўйича йўриқнома.

6. Yuldasheva, N. E., & Aminova, M. (2022). Albuca bracteata–hind piyozini etishtirish usullari va shifobahshlik xususiyatlari. Academic research in educational sciences, 3(2), 376-384.

7. Меликўзиев, А. А., Ергешев, Д. А., & Махкамов, Т. Х. (2022). Инвазив ўсимлик Amorpha fruticosa L. нинг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари. Academic research in educational sciences, 3(7), 168-175.

8. Сотиболдиева, Д., Махкамов, Т. Х., & Дусчанова, Г. М. (2019). Анатомо-гистологическое строение корневища Curcuma longa L. (сем. Zingiberaceae) в условиях интродукции). НамДУ илмий хабарномаси, 1, 54-59.